

## ТАЛАБАЛИКНИНГ ОЛТИН ДАВРИ

Инсон умрининг ҳар бир они мазмунли, қувончли ўтсагина ўзини баҳтиёр сезади. Айниқса, йиллар давомида тайёргарлик кўриб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб Олийгоҳ талабаси бўлган талabalар учун “ТАЛАБАЛИКНИНГ ОЛТИН ДАВРИ” бир умрлик ажойиб хотиралар бўлиб қолади. Инсоният келажаги, ҳақида сўз кетганда сўз айнан талabalар хусусида боради. Бу бежизга эмас. Эртанинг эгалари, инсониятнинг қай йўлдан кетиши, қандай ютуқларга эришиши айнан уларга боғлиқ десак адашмаймиз. Ахир улар жамиятнинг энг оқил, доно қисми. Дунёдаги жамики талabalар, шу жумладан бизнинг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини меҳанизациялаш муҳандислари институти талabalari ҳам аниқ мақсадлар билан, юксак орзулар, қувончлар или институт талabalari сафидан жой олишди. Шу мақсадда талabalарга қувонч, ўзгача бир шукуҳ бағишлиш ниятида, институтимиз ректори ташабbusi билан институтимизнинг асосий кириш эшиги ҳамда институт талabalар турар жойи биносига “I ❤️ TIIAME” ёзувли макетлари ўрнатилди. Асосийси институтимиз худудига ўрнатилган “Қувонч” барчага кўтаринки рух бағишилаб турибди.

Хўш нега айнан “I ❤️ TIIAME”? институтда талabalар учун барча шароитлар яратилган, шинам ва замонавий аудиториялар, қулай ҳамда керакли барча адабиётлар билан бойитилган ахборот ресурс маркази, кенг ва ёруғ талabalар турар жойи. Шунингдек, турли тадбирлар интеллектуал шоулар ташкил этилиши, талabalarning ҳар соҳада 4-6 йиллик умри мазмунли ўтиши учун барча шароитлар яратилган. Инсонки, бир мақсад йиллаб умрини сарфлаб, унга эришган экан, демак шунинг ўзиёқ уни ҳурмат қилишга арзиди. Одамлар бор, ҳар соатда мақсадини ўзгартириб туради. Англаш лозим бўлган ҳақиқат шуки – жамиятда ўз ўрнини топа олиш учун инсон аввало, Устозлар билимидан билим олиши, қунт билан ўқиши, изланиши, таълим берган, келажак сари йўл кўрсатган даргоҳини, юртини севиши лозим. Барча талabalарга муваффақиятлар, сўнмас куч-ғайрат, илҳом, ёрқин хотиралар, “енгил имтиҳонлар” ва кўплаб қувончли дамларни тилаб қоламиз. Ўзбекистонга керакли мутахасисс бўлиб етишиш учун ўқишдан толманг!



**Институт Ўқув-методика бошқармаси методисти Мафтуна Тошева маълумоти**